

## Аллоҳнинг динини маҳкам тутинг!



19:50 / 26.10.2021 2109

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

بَابَاتُكُمُ الْمَآءُ وَبَسَّحْتُمْ لِبَابِ الْمُؤْمِنِينَ الْوُقُوفَ أَلَمْ نَجْعَلْ لَكُمْ مِنْ أَمْرِهِمْ عَزَابًا لَمْ نُؤْمَرْ بِتُغْيِيرِهِمْ فَذُكِّرُوا وَلَوْ يَفْقَهُو

Аллоҳ башар учун китобни, ҳукми ва нубувватни берганидан сўнг у одамларга: «Аллоҳни қўйиб, менга банда бўлинглар», дейиши асло мумкин эмас. Лекин: «Китобни ўргатганингиз ва ўзингиз ўрганганингиз асосида роббонийлар бўлинг», - (дейди). (Оли Имрон сураси, 79 оят).

Маълумки, насоролар Аллоҳ уларга юборган пайғамбар - Ийсо алайҳиссаломни «худо» деб эътиқод қилганлар ва қиладилар. Уларга «Нимага Ийсони худо дейсизлар?» - дейилса: «Ўзи айтган, бизни ибодатини қилишимизга буюрган», - дейишади. Аҳли китоблар билан бўлган тортишувларда бу масала ҳам қўзғалган бўлиши турган гап. Бу мақомда ҳақиқат нимада эканини ушбу оят баён қиляпти.

Пайғамбар Аллоҳни энг яхши таниган ва ўзининг бандалигини чуқур тушуниб етган банда бўлади. Акс ҳолда пайғамбар бўла олмайди. Бу ҳақиқатни тушуниб етмаган, Аллоҳ таолони танимаган одамдангина «Менга ибодат қилинглар», деган гап чиқиши мумкин. Аммо:

«Аллоҳ башар учун китобни, ҳукми ва нубувватни берганидан сўнг у одамларга: «Аллоҳни кўйиб, менга банда бўлинглар», дейиши асло мумкин эмас».

Пайғамбар киши одамларни Аллоҳга банда бўлишга чақиришни ўзининг бош вазифаси деб билади. Пайғамбар одамларга:

«Китобни ўргатганингиз ва ўзингиз ўрганганингиз асосида роббонийлар бўлинг», - (дейди)».

«Роббоний» сўзи Роббга нисбат берилган бўлиб, «Аллоҳнинг динини маҳкам тутувчи» деган маънони билдиради. Уларнинг роббоний бўлишларига асос одамларга китобни ўргатганлари ва ўзлари ҳам ўрганганликларидир. Бу эса роббонийликнинг чуқур илм асосида келиб чиқишини билдиради.

***«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди***